



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2017 йил 28 сентябрь, № 195 (6889) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОН ПАРЛАМЕНТИ СЕНАТИ РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 сентябрь куни Қозоғистон Республикаси парламенти Сенати Раиси Касим-Жомарт Токаев бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонларни кутлар экан, Қозоғистон парламенти делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи ва Олий Мажлис палаталарида ўтказилган самарали музокаралар натижалари ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаб бораётганидан далолат беришини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Президентининг жорий йил март ойида Қозоғистонга ва Қозоғистон Президентининг шу ойда Ўзбекистонга давлат ташрифлари, шунингдек, давлатларимиз раҳбарларининг мунтазамлик касб этган ва ишончга

асосланган мулоқоти кенг қўламлиқ Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва уларни аниқ мазмун билан бойитишга хизмат қилгани қайд этилди.

Турли даражадаги алоқалар фаоллашгани, ўзаро савдо ҳажми ва тури изчил ортиб, диверсификация қилинаётгани, энергетика ва машинасозлик тармоқларида муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бошлангани, автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспорти соҳасидаги ҳамкорлик кенгайгани шундан далолат беради.

Чегараолди ҳудудлари ўртасида ўзаро ташрифлар уюштирилмоқда, шериклик муносабатлари мустаҳкамланмоқда, мамлакатларимизда ишбилармонлик ва маданий-гуманитар тадбирлар биргаликда ўтказилмоқда.

Учрашувда парламентларо ҳамкорлик, жумладан, халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасидаги алоқаларни янада фаоллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Олий даражадаги ташрифлар давомиди эришилган икки томонлама келишувлар ва қабул қилинган қарорлар ихросини таъминлаш ҳамда ўзаро манфаатли шерикликка доир истиқболли лойиҳа ва дастурларни илгари суришда мамлакатларимиз парламентлари муҳим ўрин тутгани қайд этилди.

Дўстлик ва ҳамкорлик гуруҳлари ўртасида мунтазам учрашувлар ўтказиш, Ўзбекистон ва Қозоғистон парламентларининг тегишли қўмиталари ўртасида яқин амалий алоқалар ўрнатиш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА КИРИШ УЧУН НОМЗОДЛАРНИ МАҚСАДЛИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги "Олий таълим муассасаларидаги таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ҚР-3151-сон қарорига мувофиқ ҳамда олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг тегишли мутахассисликлар бўйича олий таълим муассасаларида ўқиниш давом эттиришлари учун зарур ва етарли бўлган, чуқурлаштирилган назарий ва касбий тайёргарлигини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан мавжуд академик лицейларнинг фаолияти комплекс таҳлил қилинганлиги, моддий-техника базаси хатловдан ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг ўтказилган комплекс таҳлил ва хатлов яқунлари бўйича аниқланган ўқув-методик ва моддий-техника базаси замонавий талабларга жавоб бермайдиган, олий таълим муассасаларидан узоқда жойлашган, таълим сифати ва битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичлари паст бўлган 1-иловада кўрсатилган академик лицейларнинг 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб ўқувчиларни қабул қилишини тўхтатиши ва 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб фаолиятини тугатиши тўғрисидаги;

3. Белгиланган қўйилсинки: 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб академик лицейларда ўқиш муддати икки йил этиб белгиланади ва уларга ўқув-методик жиҳатдан раҳбарлик қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан амалга оширилади; академик лицейлардан узоқ жойлашган ҳудудлардан қабул қилинган ўқувчилар

белгиланган тартибда ётоқхона ҳамда ота-оналар тўлови ҳисобига (ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдориди) харажатларни қисман қоплаган ҳолда, имтиёзли озиқ-овқат билан таъминланадилар;

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб ўқувчилар қабули тўхтатилаётган академик лицейларнинг 2 ва 3-босқич ўқувчилари мазкур академик лицейларда таълимни амалдаги ўқув дастурлари бўйича белгиланган тартибда яқунлайдилар ва уларга давлат намунасидаги академик лицей битирувчиси дипломи берилади; академик лицейлар раҳбар ва педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий марказларида амалга оширилади;

Касим-Жомарт ТОКАЕВ: ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БАРҚАРОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДА МУҲИМ МАВҚЕГА ЭГА

Дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатлари барча соҳада изчил ривожланиб бормоқда. Қозоғистон парламенти делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида бўлиб ўтган учрашув ва музокаралар мамлакатларимиз ўртасидаги серқирра ҳамкорлик, жумладан, парламентларо мулоқотнинг изчил ривожланишига хизмат қилади.

Делегация раҳбари, Қозоғистон Республикаси парламенти Сенати Раиси Касим-Жомарт Токаев ЎзА муҳбирига берган интервьюсида қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан учрашувимиз гўят самарали бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон бозор иқтисодиёти йўлидан дадил одимла-

моқда. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида мамлакатнинг катта муваффақиятларга эришишига ишонамиз.

Мамлакатларимиз ҳамкорлиги Абдий дўстлик тўғрисида шартнома, Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома ва бошқа қатор ҳужжатлар асосида янги босқичга чиқди.

(Давоми 3-бетда).

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Электрон формат кўринишидаги фаолият

Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ, "Электрон парламент" тизими шакллантирилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан соҳа экспертлари иштирокида ўтказилган давра суҳбатида унинг асосий йўналишлари муҳокама қилинди.

Мутахассислар қайд этганидек, мазкур тизим мамлакатни модернизациялаш ҳамда демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида Олий Мажлис ва сиёсий партияларнинг ролини кучайти-

ришга хизмат қилади. "Электрон парламент" парламент ҳамда сайловчилар ўртасида самарали мулоқотни йўлга қўйишга, жойларда вакиллик органлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга, ижро ҳокимияти органлари устидан таъсирчан парламент назоратини ўрнатишга имкон яратди. Шу билан бирга, у парламент фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш, унинг шаффофлигини таъминлаш ва сама-

радорлигини оширишга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Давра суҳбати қатнашчилари парламентнинг ахборот тизимлари, ундан қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил жараёнида самарали фойдаланиш ҳолати масалаларини атрофлича таҳлил этишди. Олий Мажлис палаталари расмий сайтларининг техник ҳамда сервис имкониятлари батафсил ўрганилди. Айни пайтда "Электрон парламент" тизимини жорий қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури лойиҳаси ҳақида маълумотлар берилди.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ёш авлоднинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, таълим тизимини замон талаблари асосида такомиллаштириш, соҳага доир ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси, ёшларга илим-фан асослари ва замонавий касб-хунарларни ўргатиш, уларни она-Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги кўп йиллик фидокорона хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»

Воҳидова Назолат Шариповна — Шахрисабз туманидаги 78-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Гафарова Фирюза Джалалова — Самарқанд шаҳридаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»

Марахматов Икромжон Абдурахимович — Тошлоқ туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг физика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Шапулатов Зиядулла Ишқулович — Ангор туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

Акрамова Дилоромжон — Наманган шаҳридаги «Обод» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Наманган вилояти

Ахунов Уктажон — «Нуроний» жамғармасининг Андижон вилояти бўлими раиси

Кенжабоев Мирза Тўйчиевич (Мирзо Кенжабек) — Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси аъзоси, шоир, таржимон

Литвинова Ольга Ивановна — Яшнобод туманидаги 166-умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент шаҳри

Пак Ларина Михайловна — Зомин туманидаги 60-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Уватов Убайдулла — Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»

Тангрибергенов Хамид Эркинович — Республика олий спорт маҳорати мактабининг бокс бўйича мураббийи

Юртимизда таълим соҳасини ривожлантириш, ўқув жараёнида илгор педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни кенг жорий этиш, чуқур билим ва замонавий касб-хунарга эга малакали кадрларни тайёрлаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, мустақил фикрлайдиган, замон билан ҳамнафас, иқтидорли, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Базарова Дилором Маматқуловна — Жомбой туманидаги 23-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Нурлаева Гулчара Атабаева — Хива туризм касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Эшанкулова Зоя Эрматовна — Оҳангарон туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

«Меҳнат суҳрати» ордени билан

Абдуллаев Мухтор Саъдуллаевич — Янгиерик туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Абдуллаева Малика Эркинович — Уттепа туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Арзуова Несибели Жандуллаевна — Нукус политехника касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Зиядуллаева Малухат Эгамбердиевна — Бахмал туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Соатов Бувалма Умирзақовна — Мирзаобод туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактаби директорининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, Сирдарё вилояти

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Султанова Насиба Мухаммаджановна — Поп туманидаги 11-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Тўраев Баходиржон Қурбанович — Ўзбекистон агросаноат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Турдиева Зулфия Султановна — Олмалик шаҳридаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Халилова Мамлакат Камоловна — Бухоро туризм коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Хасанова Мухтарам Урушона — Бобўт туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактаби директори, Сирдарё вилояти

Холжигитов Турғун Абдуназарович — Булунғур қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Цой Галина Тимофеевна — Бўз туманидаги 26-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати директори, Андижон вилояти

Чоршамиев Хасан Оманович — Олтинсой туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Эшимов Бахтиёр Рахматуллаевич — Навоий давлат педагогика институтини қошидаги академик лицейининг кимё фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Юсупова Хилола Жураевна — Касби туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Калимбетов Бахадир Уразханович — Қорақалпоғистон Республикасидаги ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг эркин кураш бўйича мураббийи **Мўминова Наргизахон Абдуназаровна** — Қўрғонтепа туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Андижон вилояти

Холмунинова Мохира Тошмуратовна — Қарши шаҳридаги «Муруват» ногирон болалар учун интернат уйи тарбиячиси, Қашқадарё вилояти

«Дўстлик» ордени билан

Бекниязов Рустембай Исакович — Кегейли туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Бозорова Шоира Рамазоновна — Ромитан туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Боймуродов Абдуқодиқ Уралович — Зомин туманидаги 75-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Давлетжанова Ойгул Кадамовна — Урганч туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Закирова Барчиной Ташпулатовна — Асака педагогика ва дизайн касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти

Каримова Лайло Саидовна — Навоий шаҳридаги Меҳрибонлик уйи тарбиячиси, Навоий вилояти

Кириллова Елена Николаевна — Ургут туманидаги 54-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Мелибоева Гулнорахон Исмоиловна — Данғара туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Сайбова Наргул Мамараимовна — Шўрчи туманидаги 2-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Сурхондарё вилояти

Солиева Умида Толибжановна — Наманган туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Наманган вилояти

Тен Елена Хакесовна — Юқори Чирчиқ туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Халикулов Пардабой — Ховос туманидаги Гулбаҳор қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Шибакина Любовь Александровна — Чилонзор туманидаги 280-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Юлдашева Гуландом Қудратовна — Яқкабоғ туманидаги 50-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

«Шухрат» медали билан

Абдиев Рустам Аблакулович — Навоий шаҳридаги 11-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Абдиева Музафара — Пастдарғом туманидаги 28-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати директори, Самарқанд вилояти

Абдуллаев Бехзод Нигматуллаевич — В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг ўзбек халқ қолғулари бўлими махсус фан ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Абидов Мирюсуп Мирхайдарович — Яшнобод темир йўл касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Тошкент шаҳри

Алиева Дилбар Эркиновна — Янгибозор туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Аскарлов Қотибхон Асрорович — Тўрақўрғон қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

Астанакуллова Лола Нартажиевна — Термиз туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Ахадова Дилором Тошпўлатовна — Шофиркон туманидаги 55-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Ахмадалиева Мукаррамхон Шукралиевна — Бағдод туманидаги 3-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг кимё фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Ахмедова Замира Широнова — Бухоро шаҳридаги 2-умумий ўрта таълим мактаби директори, Бухоро вилояти

Баирбекова Ханифа Гаибназаровна — Гулистон туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Бегибоев Мираҳмад Раҳманович — Фаллаорол туманидаги 87-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Бозоров Юсуф Бехбудович — Жондор туманидаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг физика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Бозорова Замира Қосимовна — Қарши шаҳридаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг миллий истиклол ғояси ва маънавий асослари фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Валиева Табасумхон Собировна — Избоскан туманидаги 42-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Андижон вилояти

Есимбетова Гулмира Абатбаевна — Хўжайли транспорт касб-хунар коллежининг физика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Жаманқулова Феруза Эсиргаповна — Иштихон туманидаги 46-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Жугинисова Ҳапиза Исаевна — Қораўзак туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Игамов Бахтиёр Джураевич — Термиз шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг физика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Имомова Зилола Ортиқовна — Бувайда туманидаги 42-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Ишонқулова Фароғат Элмуродовна — Китоб туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Каримова Шахло Ахатовна — Мирзо Улуғбек туманидаги 105-махсус мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Мардиева Валерия Шамилевна — Ўрта Чирчиқ туманидаги 12-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори, Тошкент вилояти

Матжанов Халбай Айтимбетович — Тўртқўл туманидаги 3-болалар мусиқа ва санъат мактабининг қашқар рубоби синфни ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Матмуратова Тазахан Бегдуллаевна — Мўйноқ туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Матназарова Интизор Саъдуллаевна — Богот туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Муллабоева Тожибар Нурматовна — Шаҳрихон туманидаги 59-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Андижон вилояти

Мўминов Машад Аламанович — Косон туманидаги 69-умумий ўрта таълим мактабининг меҳнат таълими фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Мусурмонов Сунатулла Маматкулович — Шароф Рашидов туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Мухторова Раъно Мўминжоновна — Пискент туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Назарова Иродахон Зайниддиновна — Олтиариқ туманидаги 37-умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Нишонов Шухратжон Холдаралиевич — Мингбулоқ туманидаги 32-умумий ўрта таълим мактабининг ҳисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Нуриддинова Мархабо Собировна — Уйчи туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг ихтисодий билим асослари фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Отаева Махфурат Музафаровна — Фиждувон туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Пулатова Зулфия Расуловна — Қармана туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Навоий вилояти

Рахимова Гавхар Исмоиловна — Наманган шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Ризаева Шохиста Абдушукуровна — Сергели туманидаги 300-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Рўзиева Гавхар Валижоновна — Сайхунобод туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Сапарниязов Абай Сабуирович — Нукус шаҳридаги 11-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Сарваров Хусниддин Анварович — Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Тошкент шаҳри

Сатторов Олимжон Назарович — Қумқўрғон нефть ва газ саноати касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Таджибаев Абдувоҳид Мамасидиқович — Фарғона шаҳридаги Қирғули электротехника касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Умаров Фулом — Занғиота туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг эркин кураш бўйича мураббийи, Тошкент вилояти

Утаганов Хусан Арзимуратович — Пайариқ маиший хизмат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Файзуллаева Бахринисо Неъматиллаевна — Денов туманидаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Хамраева Феруза Собитовна — Шайхонтоҳур туманидаги 39-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Ходжаев Махмуд Абдукаликович — Тошкент вилоятидаги ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббийи

Хусанов Нуриддин Раҳматалиевич — Балиқчи туманидаги 38-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Хайитов Усмон Номозович — Деҳқонобод туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Шақасимова Сурайё Гапирджановна — Олмазор туманидаги 185-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Шукурова Раъно Баходировна — Каттакўрғон шаҳридаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Якушева Олеся Владимировна — Бекобод шаҳридаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Ян Игорь Моисеевич — Фарғона шаҳридаги 40-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 27 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА КИРИШ УЧУН НОМЗОДЛАРНИ МАҚСАДЛИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

моддий жавобгар шахсларнинг ўзларига бириктирилган моддий бойликларни ўрнатилган тартибда топшириш-қабул қилиш далолатномалари асосида расмийлаштирилгунинга қадар бут ва соз сақланишини таъминлаш чораларини кўрсин ва улар фаолияти бўйича шахсан масъул этиб белгилансин.

5. Олий таълим муассасалари раҳбариятига олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари (тўлов-контракт асосида ўқитиш учун тушумларнинг фақат тўлов-контракт миқдорининг оширилган қисми) ҳисобидан академик лицейлар учун ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олиш ҳамда академик лицейларнинг ўқитувчи ва ўқувчиларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳуқуқи берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири **И. Мажидов** икки ой муддатда:

Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда академик лицейларга умумтаълим мактабларининг энг билимли, қобилиятли ва иқтидорли ўқувчиларини таллаб олиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Низомда республиканинг малакали кадрлар етишмовчилиги кузатилаётган ҳудудларидан ўқувчиларни олий таълим муассасаларига киришга мақсадли тайёрлаш учун имтиёзли қабул қилиш, шунингдек, академик лицей битирувчиларининг олий таълим муассасасига кира олмаслиги даражасига мувофиқ (фоиз кўрсаткичларига мос равишда) академик лицейни тасарруфига олган олий таълим муассасаси ректори, академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректори, академик лицей директори ва масъул ходимларига ўрнатилган тартибда жараима қўлланилиши ҳамда уларнинг ойлик маошларидан чегриб қолиниши назарда тутилсин;

академик лицейларнинг ўқув режалари ва ўқув дастурларини қайта қўриб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик

ва идоралар билан ҳамкорликда академик лицей ўқитувчиларининг етакчи олий таълим муассасаларида малака оширишининг самарали тизимини, шу жумладан, хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда ташкил этсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси. Вазирлар Кенгаши, вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази фаолияти тугатиладиган академик лицейларнинг ишдан бўшайдиган ўқитувчиларини ва ходимларини белгиланган тартибда ишга жойлаштириш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда "Маориф" соҳасига йўналтирилган маблағлар доирасида ушбу қарор ижросини таъминлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини

ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш вазифаларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги ПҚ-2738-сон қарорига 3-иловага мувофиқ ўзгартаришлар киритилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Н. Юнусходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 26 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА КИРИШ УЧУН НОМЗОДЛАРНИ МАҚСАДЛИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йиллариданқош таълим тизимини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, ўғил-қизларнинг умумий таълим тизимини ривожлантириш жисмоний ва маънавий етук инсонлар бўлишини таъминлаш, қобилият ҳамда иқтидорини юзага чиқариш, она-юртага садоқат ва фидойийлик руҳида тарбиялаш борасида бекиёё сай-харакатлар амалга оширилмоқда.

Аввало, узлуқсиз таълимни ривожлантиришнинг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, педагогик-психологик, илмий-услубий, молиявий асослари яратилди.

Академик лицейларда ўқувчилар танлаган таълим йўналишлари бўйича чуқур, табақалаштирилган ҳамда касб-хунарга йўналтирилган билим олмақда ва ҳар йили уларни ўртача **35 минг нафар** йигит-қиз битириб чиқмоқда. Улардаги ўқитиш тизими олий таълим муассасаларига кириш учун салоҳиятли номзодлар контингентини шакллантиришга йўналтирилган.

Бугунги кунда академик лицейлар фаолияти, жойлашуви, битирувчиларининг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш таҳлили

бу соҳадаги ишларнинг қоникарли эмаслигини кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан академик лицейлар сонини оптимallasштириш, улардаги таълим сифати ва мазмунини тубдан юксалтириш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга ошириш зарурати туғилди.

Бу борадаги муаммоларни ҳал этиш мақса-дида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларига кириш учун ном-зодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор билан ўқув-методик ва моддий-техника базаси талабга жавоб бормайдиган, олий таълим муассасаларидан узоқда жойлашган, таълим сифати ва олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичлари паст бўлган **37** та академик лицейга 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб ўқувчиларни қабул қилиш тўхтатилади ва 2019 йил 1 сентябрдан уларнинг фаолияти тугатилди;

юқори илмий ва педагогик салоҳиятга, зарур моддий-

УСТОЗ САБОҚЛАРИ

Инсон феъл-атвори унинг ҳусниҳати-да ҳам намоён бўлади. Бу — тадқиқотчилар ҳулосаси. Бойвот туманидаги 4-умумтаълим мактаби бошлангич синф ўқитувчиси Матлуба Тошпўлатова эса ушбу фикрга қўшилмайди. Яъни ёзувнинг канчаллик чиройли бўлиши, аввало, педагог маҳоратига боғлиқ.



1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

Муаллим шогирдларининг партада тўғри ўтиришидан тортиб, дафтарини ҳил қилиб қўйишга, саҳифага керакли даражада нур тушишига руҳани икки бармоғи билан тутишига — барча-барчасига жиддий эътибор қаратади, шубҳасиз, ҳар бир инсон чиройли ҳусниҳат эгасига айланади. Жамоадошларининг айтишича, юқори синф ўқувчиларининг қайси-яки бошлангич таълими Матлуба Тошпўлатовадан олганлигини уларнинг ёзуви қараб ҳам билиш мумкин.

Матлуба она ўттиз йиллик иш таърибасига эга. Шунга қарамай, ҳар тўрт йилда ўзини худди янгидан фаолият бошлаётгандек ҳис этади. Негаки, ушбу муддат мобайнида таълим берган ўқувчиларини кейинги бос-

қичга кузатиб, биринчи синфга келган ўғил-қизларни қабул қилиб олади. Шу боис мактабга илк бор қадам қўйган болажонларга дарс ўтиш унга ҳар доим ана шундай юксак масъулият юклайди.

Муаллима дастлабки сабоқлардан шогирдларида ўзига нисбатан яқинлик уйғонишига интилади. Уларнинг руҳиятига мос муомалада бўлади. Ҳатто бу жараёнда овоз оҳангининг ёқимли бўлишига эътибор беради. Қарабсизки, кўп ўтмай, болажонларнинг қаддон меҳрибонига айланади. Бу — таърибали педагог фаолиятидаги ютуқларнинг дастлабки сирини. Чунки айна шу услуб биринчи синф ўқувчиларининг келгусида барча дарсни муваффақиятли ўзлаштириши, машгулотларга

қизиқиши ортиши учун мустақиллиги ҳусусида атрофича маълумот ага бўлади. Бу орқали болага ҳам ҳаётини тарбия берилади, ҳам дарс самарадорлиги ошади.

— Матлуба она ўзиданги масъулият ҳиссини ўқувчиларига ҳам ўтказа оладиган фидойи ўқитувчи, — дейди мазкур мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Ҳасан Ҳайдаров. — Шу боис синфда давомат ҳар доим тўлиқ кўрсаткичда. Опанинг касбига юксак садоқати ва масъулияти биз, ҳамкасблари, айниқса, ёш ўқувчилар учун ибрат бўлиб келаётган.

Матлуба Тошпўлатованинг ўрганса арзигулик яна бир таърибаси бор: у барча ота-оналар билан тез-тез мулоқотда бўлади. Шу боис ўқувчиси оиласининг ҳам яқин ишисига айланади. Аммо дарсни ўзлаштиришда

ни узмоқлик инсоний бурч эканлиги ҳусусида атрофича маълумот ага бўлади. Бу орқали болага ҳам ҳаётини тарбия берилади, ҳам дарс самарадорлиги ошади.

— Матлуба она ўзиданги масъулият ҳиссини ўқувчиларига ҳам ўтказа оладиган фидойи ўқитувчи, — дейди мазкур мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Ҳасан Ҳайдаров. — Шу боис синфда давомат ҳар доим тўлиқ кўрсаткичда. Опанинг касбига юксак садоқати ва масъулияти биз, ҳамкасблари, айниқса, ёш ўқувчилар учун ибрат бўлиб келаётган.

Матлуба Тошпўлатованинг ўрганса арзигулик яна бир таърибаси бор: у барча ота-оналар билан тез-тез мулоқотда бўлади. Шу боис ўқувчиси оиласининг ҳам яқин ишисига айланади. Аммо дарсни ўзлаштиришда

...Мактаб фойеси деворига Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, «Дўстлик» ордени соҳибаси Матлуба Тошпўлатованинг самарали меҳнатларини эътироф этувчи кўркем лавҳа осылган. Назаримизда, жамоанинг ҳамкасбига бўлган ушбу юксак ҳурмат-эътибори ҳам ўқувчиларга ибрат олса арзигулик ҳаёт мактаби сифатида сабоқ бераётгандек гўё.

орда қолаётган ёки тарбияси оғирроқ боланинг ота-онасига ҳеч қачон «Фарзандингиз ёмон», демайди. Муаммони ёниги билан тушутиради, ечими бўйича улар билан ҳамкорликда ҳаракат қилади. Қолаверса, «Қудалик»лар орқали ота-оналарнинг фарзанди таълим-тарбиясига нечоғли эътибор бераётганлигини мунтазам кузатиб боради. Айни сабабдан кўпчилик ўғил ёки қизларини биринчи синфга етаклаб бораркан, унинг биринчи муаллими айнан Матлуба Тошпўлатова бўлишини истайди.

— Бошлангич синфларда Матлуба онадан таълим олганман, — дейди шу мактаб ўқитувчиси Сирожиiddин Худойкулов. — Ҳозир ҳам у киши маслаҳатларини аямайди. Устоз ҳар бир дарсда барча ўқувчига эътибор қаратишга улғуради. Ҳатто синфда бошқа ҳамкасблари томонидан ўтиладиган мусика, жисмоний тарбия ва меҳнат таълими машгулотларини ҳам бевосита ўзи кузатиб боради.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ФУТБОЛ

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лигаси 19-турининг қолдирилган 3 та учрашуви бўлиб ўтди.

Пешқадамлар ғалаба қозонди



Мусобақа пешқадами «Локомотив» сафарда «Олмалик» жамоасига қарши майдонга чиқди. Сўнгги икки ўйинни асосий рақибларига бой берган «темир йўлчи»лар мазкур баҳсга жиддий ҳозирлик кўришганини амалда исботлаб, 3:1 ҳисобида ишончли ғалаба қозонди. Меҳмонларнинг голларига М. Бикмаев, И. Алибоев ва С. Мирзаев муаллифлик қилган бўлса, «Олмалик» сафида И. Йелич пенальтидан самарали фойдаланди. Тошкентда «Пахтакор» клуби

3:1 ҳисобида устун келди. Чемпионликка яна бир асосий даъвогар — Қаршининг «Насаф» жамоаси Жиззахда «Сўғдиёна» жамоасига жавобсиз учта гол киритиб, йирик ҳисобдаги ғалабага эришди. Айни пайтда «Локомотив» клуби 48 очко билан турнир жадалини бошқариб турган бўлса, иккинчи ҳамда учинчи поғоналарда бораётган «Насаф» ва «Пахтакор» жамоалари 41 тадан очко жамғарган.

С. ИСЛОМОВ тайёрлади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

«ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

таянч докторантура (PhD) ва докторантура (DSc)га қўйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади.

Таянч докторантура (PhD)

(ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

02.00.07 — Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллар кимёси ва технологияси — 1 ўрин.

02.00.15 — Силикат ва кийин эрийдиган нometалл материаллар технологияси — 1 ўрин.

01.04.06 — Полимерлар физикаси — 1 ўрин.

05.02.01 — Машинасозликда материалшунослик. Қўймачилик. Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлургияси — 2 ўрин.

Докторантура (DSc)

(ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

02.00.07 — Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллар кимёси ва технологияси — 1 ўрин.

05.02.01 — Машинасозликда материалшунослик. Қўймачилик. Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлургияси — 1 ўрин.

Таянч докторантура (PhD) ва докторантура (DSc)га талабгорлар қўйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- ариза;
- маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлайётган талабгорлар учун);
- олий таълим муассасаси магистратураси дипломи, фан номзоди ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
- докторантурага кирувчилар учун номзодлик дипломининг нусхаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг тўлиқ лойиҳаси;
- илмий журналларда эълон қилинган илмий мақолалар ҳамда тезислар рўйхати ва нусхалари;
- соғлиғи ҳақида 086-шаклдаги маълумотнома.

Таянч докторантура (PhD)га қабул имтиҳонлари:

- мутахассислик;
- чет тили.

Шунингдек, юқорида келтирилган ихтисосликлар бўйича мақсадли таянч докторантура (PhD) ва докторантура (DSc)га (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун) қабул эълон қилади.

Ҳужжатлар 2017 йил 15 октябргача қўйидаги манзилда қабул қилинади:
Тошкент шаҳри, 100174, Олмазор тумани, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7-«А» уй.
Телефонлар: (0-371) 246-39-28, 246-83-21.

«RESPUBLICA MULK MARKAZI» МЧЖ

бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

1. Аукцион савдосига ҳарбий қисмлардан бирига қарашли, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фаргона йўли кўчаси, 25-уйда сақланаётган, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/453 SCA бўлган, «А3-53» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 7 573 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 27 октябр куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2017 йил 25 октябр куни соат 18.00.

2. Аукцион савдосига ҳарбий қисмлардан бирига қарашли, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фаргона йўли кўчаси, 25-уйда сақланаётган, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/042 SCA бўлган, «УАЗ-31512» русумли автотранспорт воситаси тақдоран қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 1 615 000 сўм.

Тaqорий аукцион савдоси 2017 йил 13 октябр куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш

кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2017 йил 11 октябр куни соат 18.00.

Аукцион савдоси голиби, деб топилган шахсга 10 кун мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закатлат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим қилинади. Талабгорлар автотранспорт воситалари билан мулк эгаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Талабгорлар автотранспорт воситаси умумий ҳолатини шахсан ўрганиб чиққан ҳолда, савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатлат келишувига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатлат пулини «Respublika mulk markazi» МЧЖнинг «Илак йўли» АИТБ «Сағбон» филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Гувоҳнома № 001805.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 945. 79 476 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳафтада маълумотларни оқиб олиш учун ОП-қўғоз телефонига орқали сикан қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибхона (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

«AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК

Беларусь «AMKODOR» машинасозлик ҳодимининг Ўзбекистондаги расмий дистрибьютори

Олд томонга йўналтирилган ва универсал юклагичлар

Борти айланадиган юклагичлар

Автогрейдерлар

Узйорар ғалтакли машиналар



БЕЛАРУСЬ ЙЎЛ-ҚУРИЛИШ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ, МАИШИЙ ХИЗМАТ ВА МАХСУС ТЕХНИКАСИ



Махсулот сертификатланган.

Тел./факс: (+99871) 283-42-18, тел.: (+99871) 283-42-17. Моб.: (+99890) 974-00-61, 974-00-81.

100005, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 8 март к., 57-уй. e-mail: amkodortashkent@mail.ru, www.amkodor.uz, www.amkodor.by

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Конституция палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамаси

Таҳриратта келган қўғозлар таърир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклам материаллари учун таҳрират жавобгар эмас.

Газетанинг отказиб берилиши учун бўлгани расмийлаштирилган таъкилот жавобгар.

Газета таҳрират конъюнтер нархизда термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан сақлалади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатини чоп этилишига «Шарк» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Аббасов.
Навбатчи — Д. Улмуҳаммадов.
Мусаххас — С. Исмолов.

«Шарк» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқини — 21.52 Топширилди — 23.15 2 3 4 5 6